O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 19 сентябрь, шанба • № 73 (11.056) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон — Исроил:
ИҚТИСОДИЁТ — ҲАМКОРЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Исроилга давлат ташрифи ниҳоясига етди. Мамлакатимиз раҳбари сафардан қайта туриб таъкидлаганидек, ташрифдан кўзланган асосий мақсадларга эришилди.

Хўш, ташрифдан муддао нима эди? Аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик сарҳадларини янада кенгайтириш ва бунинг учун зарур ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш. Исроил давлатининг бугунги иқтисодий тараққиёти, ақлий салоҳияти, юксак технологияси, илмий-техникавий ютуқлари ҳақиқатан ҳам катта эътиборга молик. Шу боис ҳам Исроил билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш бизга фойдалидир.

Ушбу сафар мамлакатимиз раҳбарининг Исроилга илк ташрифидир. Айни шу сабаб ташрифнинг яна бир моҳияти кўринади: бу Исроилнинг Ўзбекистонга муносабатини яққолроқ очиб бериш, унинг юртимизга қизиқишини рағбатлантириш.

Ҳамкорлигимизнинг асоси — иқтисодиёт билан боғлиқ масалалар ҳақида тўхталишдан олдин бир гапни айтиб ўтиш лозим: Ислом Каримовнинг Исроил давлатига ташрифи мамлакат сиёсий доиралари томонидан ҳам, кенг жамоатчилик тарафидан ҳам қизғин қаршиланди. Исроил Президенти Эзер Вейцманнинг қароргоҳида бўлиб ўтган давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросимида мамлакат Бош вазири Беньямин Нетаньяҳу ҳам иштирок этгани бунинг далилларидан биридир. Чунки, одатда бундай маросимларда Бош вазир иштирок этмасди.

Исроил оммавий ахборот воситаларида мазкур ташриф кенг ёритилди. Бу ерда чиқадиган «Хабарлар», «Вақт» ва бошқа маҳаллий газеталарда Ўзбекистон, Президент Ислом Каримов ҳақида, юртимиз истиқболи, унинг халқаро муносабатлардаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётгани тўғрисида кўплаб мақолалар босилди.

Юқорида айтилганидек, ташрифдан кўзланган бош мақсад — ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш. Ташрифнинг иккинчи кунида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида асосий эътибор ҳам айни шу масалага қаратилди. Музокаралар якунида ушбу мақсадга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, Президент Ислом Каримов ҳамда Бош вазир Беньямин Нетаньяҳу мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида икки томонлама солиқ солмаслик, даромад ва капиталга солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш, шунингдек, ўзаро савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга имзо чекди. Қолаверса, икки давлат ўртасида атроф муҳитни муҳофаза қилишда ҳамкорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик қилиш, ўзаро техник ҳамкорлик, солиқ ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Исроилнинг ташқи савдо суғурта корпорацияси «Ифтрик» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Уларни бирма-бир изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Улар қандай аҳамиятга эга эканини ҳужжатларнинг номларидан ҳам англаб олиш қийин эмас. Энг муҳими, шундай кенг қамровли ҳужжатлар имзоланганининг ўзиёқ ташрифнинг самарали бўлганини айтиб турибди.

Музокаралар сўнгида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Исроил иқтисодиётида бир-бирини тўлдирувчи омиллар талайгина эканини таъкидлади. Яъниким, табиий ресурсларимиздан унумли фойдаланиш учун бизга замонавий технология керак. Хусусан, Исроилнинг қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, деҳқончилик, уруғчилик, озиқ-овқат ва паррандачилик каби йўналишларда катта фойда келтирадиган минитех-

(Давоми 2-бетда).



Суратда: мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг исроилликлар билан учрашув пайти.
Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат (ЎзА).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ
янгиликлар, одамлар, воқеалар

ҲАФТАЛИК МАЗМУНЛИ ЎТДИ

ЯНГИЙЎЛ туманида «Омон бўл она юрт, буюк истиқлол» маънавият-маърифат ҳафталиги кенг қамровли ўтди. Тумандаги кўпчилик қишлоқлар, маҳаллалар, корхона-ташкилотлар ва муассасаларда шу мавзуда давра суҳбатлари, фуқаролар билан учрашувлар, кечалар уюштирилди.

Уларда туман ҳокимлиги вакиллари, олимлар, халқ таълимининг етук мутахассислари, ёзувчи, шоирлар, фахрийлар қатнашдилар. Улар биринчи чақириқ Олий Мажлис ўн иккинчи сессияси қарорлари, унда республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг дастурий нутқи аҳамияти, уларнинг демократик давлатни барпо этиш, мамлакат куч-қудратини, халқ фаровонлигини оширишга қаратилганлигини, давр талабидан келиб чиқиб, маърифат ва маънавиятни юксалтиришга катта аҳамият берилаётганини таъкидладилар. Тингловчиларни қизиқтирган масалалар бўйича кўпдан-кўп саволларга жавоблар бердилар.

Собир ҲАМИДОВ.

ЭНДИ, АНДИЖОН БИЛАН ГАПЛАШАСИЗ

АНГРЕН шаҳар алоқа тармоғи тизимини кенгайтириш ишлари муттасил давом этмоқда. У ерда республикамиз пойтахти ва бошқа йирик шаҳарлар билан боғловчи янги линиялар қуриляпти.

Ҳозирги кунда Тошкент — Андижон янги алоқа тармоғини барпо этиш ишлари қизғин бошланиб кетди. Энг замонавий технология ва техника асосида бунёд этилаётган линияга оптик толали кабел ётқизилади. У тўла фойдаланишга топширилгач, шаҳарлараро алоқа каналлари ўттизтага ошади. Шунингдек, йил охиригача Ангренда тўртинчи кабел линияси ишга туширилади. Бу шаҳримизнинг алоқа тармоқларини замонавийлаштириш ва қувватини оширишга, абонентларга ишга кўрсатиш сифатини яхшилашга олиб келади.

Мунаввара ИСАҚУЛОВА.

ОЛИМЛАР... ЎҚУВЧИЛАРГА ДАРС БЕРАДИ

ЎҚУВЧИ ёшларнинг қишлоқ хўжалиги механизациясига бўлган қизиқишини ошириш мақсадида Янгийўл туманидаги 45-ўрта мактабда махсус синфлар очилди. Тажриба-намуна сифатида ташкил қилинган бу синфлар техника ижодкорлиги ўқув маркази ҳомийлигида фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу тажриба ишларининг самарали бўлишини таъминлаш учун марказ Янгийўлдаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий текшириш институти билан шартнома тузди. Ўзаро келишувга биноан бу институт мутахассислари махсус синфларда машғулотлар олиб боришмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

«АЧАМАЙЛИ»ДА ЯНГИ ШИФОХОНА

БЎҚАДАГИ «Ачамайли» жамоа хўжалиги қишлоғи йилдан-йилга обод ва кўркам бўлиб бормоқда.

Мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида бу ерда замонавий ускуналар билан жиҳозланган, ҳамма қулайликларга эга бўлган янги шифохона — қишлоқ врачлик амбулаторияси ишга туширилди. Эндиликда аҳоли шаҳарга қатнамайдиган, шу ернинг ўзида даволаниб, шифо топиш имкониятига эга бўлди.

Эргаш ЙЎЛДОШЕВ.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА
МУҚАДДАС БУРЧ

Халқимиз тинчлигини таъминлаш, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш вояга етган ҳар бир йигит учун муқаддас бурчдир. Зеро, мустақил Ўзбекистонда ёшларнинг ўз бурчларини бажариш учун барча имкониятлар ва зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Куни кеча Тошкент вилояти ёшларни ҳарбий хизматга чақирув пунктида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда шаҳар, туман ҳокимлари муовинлари, ҳудудий чақирув комиссиялари раислари, мудофаа ишлари бўйича бўлим бошлиқлари, ички ишлар бўлимлари вакиллари, «Камолот», «Нуроний», «Маҳалла» ва хотин-қизлар қўмиталари, соғлиқни сақлаш бўлимлари ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини — вилоят чақирув комиссияси раиси Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Йиғилишда кун тартибидаги «Баҳорги чақирув якунлари, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, белгиланган тадбирлар ва ёшларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга кузги чақирув мавсумини ташкил этиш тўғрисида»ги масала юзасидан вилоят мудофаа ишлари бўйича бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Раҳматилла Тошхўжаев маъруза қилди. У жойларда ёшларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш борасида қатор ишлар қилинаётганлиги билан биргаликда айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Яқин кунларда кузги чақирув бошланади. Шунинг учун барча шаҳар ва туманларда ҳокимликлар, тегишли бўлим ва жамоатчи ташкилотлар билан биргаликда ушбу масалани муҳокама этиб, қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши зарурлигига асосий эътибор қаратилди. Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан сўзга чиққан республика прокуратураси вакили М. Шарофиддинов, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг муовини А. Ғозиев, вилоят ички ишлар бошқармаси вакили А. Расулов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

КЕЛАВЕРСИН КАРВОНЛАР!

Вилоятимиз пахтазорларида йиғим-терим ишлари бошлаб юборилди. Ҳосил ортилган «оқ олтин» карвонлари ҳар куни қабул пунктларига кириб келмоқда.

Янгийўл пахта тозалаш заводи ишчи-хизматчилари бу йилги ҳосилни пешма-пеш қабул қилиб олинишини таъмин этиш учун пухта тайёргарлик кўриб қўйган эдилар. Ҳосилни топшириш катта тантанага айланиб кетди.

— Мен бундай карвонлар тантанасида жуда кўп бор қатнашганман, — дейди қовунчилик кекса пахтакор, меҳнат фахрийси Юсуф ота Туймабоев. — Бу йилги тантана эса Ўзбекистонимиз мустақил бўлганлигининг етти йиллик байрами шодиёналарига уланиб кетди.

Ота Янгийўл тумани ўзининг донгдор, миришкор пахтакорлари билан доврўғ қозониб келганлигини, улар ўз анъаналарига содиқ қолиб бу йил ҳам йиғим-теримда намуна кўрсатиб, режаларини муддатидан илгари бажариш учун куч-ғайратларини аямайдилар, деб айтди.

Бекобод, Ўртачирчиқ, Бўка, Юқоричирчиқ ва бошқа туманларда ҳам пахта карвонлари уюштирилди. Жилғалар қўшилиб, дарёлар ҳосил бўлганидек, вилоятимизнинг 280 минг тонналик хирмони қад кўтара бошлади. Эрта-индин терим оммавий равишда бошлангач, машиналар ҳам ишга тушгач, хирмоннинг жадал юксалиши ва ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олиб, режани муваффақиятли уддаланишига ишончимиз комил.

ОТАХОНЛАР ДАЛА КЕЗАДИЛАР

«Ҳақиқат йўли» жамоа хўжалиги 1998 йил бошидан буён очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатмоқда. Уруғчиликка ихтисослашган бу жамоада меҳнатнинг янгича ташкил этилиши ютуқлар гарови бўлмоқда.

— Кенгашимиз таркибида, — дейди унинг раиси Қодир ота Эрназаров, — бир вақтлар хўжаликда меҳнат қилиб, обрў-эътибор топган донгдор пахтакорлар, сувчилар, механизаторлар ва бошқа касб эгалари бор. Улар вақти-вақти билан далаларда бўладилар, пайкал оралайдилар. Экин-тикинлар учун хўжалик меҳнаткашлари билан бирдек қайғурадилар. Қимматли маслаҳатлар бериб, йўл-йўриқ кўрсатадилар. Улар томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қилинаётган ишлар туфайли яхши натижаларга эришилмоқда.

«ҲОСИЛ — 98»

Август ойи охирлари эди. Бир гуруҳ отахонлар пахтазор ораладилар. Ғўзанинг ҳолатини кўздан кечирдилар. Деҳқонларнинг меҳнати отахонларни умуман мамнун этди. Айниқса, улар Аббос Шаропов ва Рустам Жайловов бошлиқ бригадаларнинг пахтазорларида бўлганларида тўпланаётган ҳосилни кўриб хурсанд бўлдилар. Ҳар тупида 15-20тадан кўсак бор эди.

— Агар бундан кейин ҳам ишловни бўшаштирмасаларингиз ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектарида 40 центнердан ҳосил нақд бўлиб турипти, — деб айтишди отахонлар.

Бироқ, беш қўл баробар эмас экан. Равшан Умаров, Облоқул Исматов бошлиқ бригадаларнинг далаларида ғўза парвариши кўнгилдагидек эмас эди. Ниҳоллар бир текис ривожланмаган. Бунга баъзи жойларда суғоришнинг вақтида ўтказилмаганлиги сабаб бўлган. Айрим пайкалларда эса культивациянинг сифати талабга жавоб бермайди.

— Ким айтади сизларни уста пахтакорлар деб, бу аҳволда мўлжалдаги ҳосилни ололмайсизлар!

Отахонларнинг бу танбеҳидан уялган бригада бошлиқлари камчиликларни тан олдилар. Ғўза парваришини кучайтириб, ҳар туп ғўзада камида яна 5-6 тадан кўсак ҳосил қилиш учун қўшимча чора-тадбирлар кўришга сўз бердилар. Отахонлар бу чора-тадбирлар қандай бўлиши ва улар қай тартибда амалга оширилиши ҳақида маслаҳат бердилар.

Ютуқни кўпайтирадиган ҳам, камчиликларни бартараф қиладиганлар ҳам одамлар, далада ишлаётганлар. Уларга қандай шароит яратиб бериляпти, деҳқоннинг кайфияти қандай? Дала шийпонларини айланган отахонлар бу муҳим масала билан ҳам жиддий қизиқдилар. Токи ишлар қизғин бошланиб кетгунга қадар шийпонларни қўшимча жиҳозлаш, чинакамига ҳордиқ масканига айлантириш учун нималарга эътибор бериш кераклиги тўғрисида ҳам йўл-йўриқ кўрсатдилар.

Ғалвир сувдан кўтариладиган кунлар узоқ эмас. Шунинг учун отахонлар пахта йиғим-теримини ҳар жиҳатдан авж олдириб юбориш, бу ишни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай муваффақиятли якунлаш юзасидан республика ҳукуматининг қарори асосида қандай чора-тадбирлар кўрилаётганлиги билан ҳам қизиқдилар. Бу тадбирлар умуман отахонларга маъқул бўлди! Улар муҳими деҳқон меҳнатини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлаштиришга алоҳида эътибор берилганлигини таъкидладилар. Лекин энг асосийси бу тадбирлар қоғозда қолиб кетмаслиги керак. Ана шунда иш ҳар жиҳатдан ривож топади.

Жамият бошқаруви ҳам ўз навбатида отахонларнинг холис хизматини муносиб баҳолаб, уларни вақти-вақти билан моддий рағбатлантириб турипти.

Маъмур БОЗОР АЛИ.

ЧИҚИНДИДАН НОДИР МЕТАЛЛ ОЛИНАДИ

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган илмий-техникавий сиёсат энг аввало юртимиздаги олим ва мутахассисларнинг энг сўнгги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратилган. Муайян фойда келтириши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириши ҳамда анчагина маблағни иқтисод қилиши мумкин бўлган инновация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ўз натижаларини бермоқда.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатидаги чиқиндилардан кобалт олиш технологияси лойиҳаси ана шундай лойиҳалардан биридир. Бу лойиҳани фан ва техника давлат қўмитаси буюртмасига биноан Ўзбекистон рангли металлургия саноати илмий тадқиқот ва лойиҳа институти мутахассислари, республика «Махсусэритиш» ташкилоти ҳамда «Ревом» илмий-технологик марказидаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда ишлаб чиққан.

Кобалт — табиатда кўп кон йиғиндисини қўзғатмайдиган нодир металл ҳисобланади. Мамлакатимизда кобалт конлари йўқ, аммо халқ хўжалигида унга бўлган эҳтиёж катта.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқилган кобалт олишнинг янги технологиясини жорий этиш қимматбаҳо харидни тўхтатиш имконини беради. Технология чиқиндиларидан кобалтдан ташқари, зарур ва кенг қўлланиладиган никел, қўрғошин, кадмий, мис сингари металлар олишга ҳам қўмаклашади. Шуниси алоҳида эътиборга сазоворки, ўзбекистонлик мутахассислар ишлаб чиққан технология экологик жиҳатдан хавфсиздир.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦

— СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

Вилоятимизнинг ижтимоий-сиёсий газетаси «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» минг-минглаб ўқувчиларнинг яқин ҳамроҳи, маслаҳатчиси, кўмакдоши ва таянчидир. У нафақат вилоятимиз ҳаётида, балки жонажон Ватанимиз ва хорижда юз бераётган муҳим янгиликлар билан ҳам газетхонларни мунтазам таништириб келади. Халқимизнинг яратувчилик меҳнати, истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги фидойиликлари, кенг қўламли ислоҳотларнинг боришини тўлақонли акс эттириш, тарихий қадриятлар, мафкура, маънавият, маърифат масалаларини ёритиш ижодий жамоамизнинг асосий мақсадидир.

«Тошкент ҳақиқати» 1999 йилда ҳам «Ҳуқуқ сабоқлари», «Маънавиятимиз сарчашмалари», «Дилдаги гаплар», «Турмуш чорраҳаларида», «Олам ҳафта ичида», «Табиат ва инсон», «Оқибат», «Аёл олами», «Спорт» сингари Сизга таниш ва манзур бўлаётган рукнлар остида қизиқарли мақолаларни эълон қилиб боради. Телекўрсатувлар дастури мунтазам чоп этилади. Реклама ва эълонларингизга кенг ўрин беради.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг барча почта-алоқа бўлимларида газета ва журналлар қаторида «Тошкент ҳақиқати»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газетамизга ўз вақтида ёзилсангиз у мунтазам равишда хонадонингизга етказиб берилади. Вилоятимизда яшовчилар учун обуна баҳоси газетани уйга етказиб бериш билан ҳисобланганда:

ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН:
1 ЙИЛГА — 2012 сўм 28 тийин
6 ОЙГА — 1006 сўм 14 тийин
1 ОЙГА — 167 сўм 69 тийин

ТАШКИЛОТЛАР УЧУН:
1 ЙИЛГА — 2612 сўм 28 тийин
6 ОЙГА — 1306 сўм 14 тийин
1 ОЙГА 217 сўм 69 тийин

Нашр кўрсаткичларимизни эслатиб ўтамиз:
Якка обуначилар учун — 205
Ташкилотлар учун — 206

«Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишни унутманг, азизлар!

Ўзбекистон — Исроил:

ИҚТИСОДИЁТ – ҲАМКОРЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1- бетда).

нологиясига бизда эҳтиёж бор. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон, қолаверса Марказий Осиё бозорида Исроилнинг фаол иштирок этиши учун шароит яратади. Телекоммуникация ва фармацевтика соҳалари ҳам ўзаро ҳамкорлигимизда истиқболли йўналишлардан саналади.

Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликда бизнинг қизиқишларимиз нималарда кўринади? Биламизки, Исроил қишлоқ хўжалиги тараққий этган мамлакат. Сув танқис, бошдан оёғи тоғу тош ва бийдай даладан иборат заминда пахтачилик, уруғчилик, чорвачилик, деҳқончилик бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар кишини мулоҳазага чорлайди. Мамлакатда 5,6 миллион аҳоли истиқомат қилади. Унинг меҳнатга яроқли қисми эса 40-42 фоизни ташкил этиб, шундан атиги уч фоизигина қишлоқ хўжалиги билан банд. Ана шу уч фоиз одам бутун мамлакатни қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан таъминлабгина қолмасдан, ўз маҳсулотини четга экспорт ҳам қилади. Ўзўзидан аёнки, ҳаммасининг сири технологияда, мавжуд имкониятдан оқилона фойдалана билишда.

Ташриф чоғида Ислом Каримов Исроилдаги «Зераим Гедера» номли илмий ишлаб чиқариш ва янги навлар яратиш мажмуи билан яқиндан танишганининг боиси ҳам шунда. Негаки, «Зераим Гедера» пахтачилик, уруғчилик ва бошқа йўналишлар бўйича ўз технологияси билан ном чиқарган. Дарвоқе, бу фирма бизга яхши таниш. «Зераим Гедера», «Хазера» фирмаларининг буғдой уруғи ҳамда пахта навларининг айримлари Ўзбекистон шароитида синаб кўрилган.

Ислом Каримов бу ердаги тажриба участкасида доктор Ю. Пинхасов ўстираётган пахта навлари билан қизиқди. Мутахассисларнинг фикрича, «Зераим Гедера» пахта навлари билан ҳосилдорликда катта кўрсаткичларга эришиш мумкин. Тажриба участкасидаги ғўзапоя нақд одам бўйи келади. Битта тупда 19-20тагача кўсак бор. Ҳар бир кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 8 граммгача тош босади. Ваҳоланки, бизда битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги икки баробар кам — 4 граммни ташкил этади. Томчилаб суғориш борасида ҳам «Зераим Гедера» технологияси бизга қўл келиши мумкин. Масалан, бу ерда бир гектар далани суғориш учун 3-5 минг метр куб сув сарфланади. Бизда эса шунча майдонга 11 минг куб метр сув кетади. Умуман, пахтачилик бўйича Исроилнинг ютуқлари эътиборга молик. Бу ерда гектаридан 70 центнергача ҳосил кўтарилса, бизда бу кўрсаткич ўртача 26-27 центнерни ташкил қилади. Бу кўрсаткичларни таққослаётганимизнинг боиси бор. Еримиз Исроил ерларидан унумдорроқ, бақувватроқ, демак, биз улардан ҳам кўпроқ ҳосил олишимиз мумкин. Халқимизнинг ақлий салоҳияти, иқтидори ва қобилияти ҳам ўзгалардан ортиқ бўлса ортиқ, лекин зинҳор кам эмас. Дунёда ерни ўзбек деҳқоничалик севадиган, ардоқлайдиган одамни топиш ҳам амри маҳол. Фақат қишлоқ хўжалигига замонавий технологияни киритиш зарур. Шу маънода, Исроилдаги бу каби фирмалар билан ҳамкорлик биз учун айни муддао. Бу битта пахтачилик мисолида кўрганимиз, ҳолбуки, Исроилда чорвачилик, деҳқончилик, паррандачилик каби соҳаларда ҳам шундай имкониятлар мавжуд.

Масала, муаммони жойида, кечиктирмасдан, дангал ҳал этишга одатланган мамлакатимиз раҳбари шу ернинг ўзидаёқ Ўзбекистон «Зераим Гедера» билан иккита лойиҳа бўйича ҳамкорлик қилишга тайёр эканини маълум қилди: бири пахтачилик технологиясининг тўла комплекси, иккинчиси турлича шароитда чигитни синаб кўриш билан боғлиқ. Пахтачилик технологиясининг тўла комплекси дегани навни танлашдан тортиб то пахтани йиғиштириб олганга қадар қилинадиган ишларни англатади. Иккинчи лойиҳа ўз-ўзидан тушунарли. Ислом Каримов ирригация ва томчилатиб суғориш, чорвачилик, уруғчилик, паррандачилик каби соҳалар бўйича ташкил этилган кичик кўргазмани томоша қилди. Давлатимиз раҳбари Исроил минитехнологияларини Ўзбекистонда қўллаш, ўзаро ҳамкорлик учун зарур омиллар ҳақида гапирар экан жумладан, шундай деди:

— Бу технологияларни бизда қўллаш учун нималар керак? Аввало, биз Исроилга ташрифимиз чоғида бунинг учун зарур ҳуқуқий замин яратдик. Кафолат керак ва биз бу кафолатни бера оламиз. Ўзаро ишонч керак. Ўйлайманки, ўзаро ишончимиз илгаридан мустаҳкам, у бугун янгича шакл касб этяпти. Исроил қўлга киритаётган натижаларга биз ҳам эришмоғимиз керак.

Ўзбекистон Исроил билан самолётсозлик соҳасида ҳам икки томонлама манфаатли ҳамкорлик қилиши мумкин. Ўзбекистон жаҳоннинг йирик самолётсозлик компаниялари бўлмиш «Боинг», «Европа эйрбас индастриз» билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ўз навбатида Исроил самолётсозлик заводи — «Исроил эйркрафт индастриз ЛТД» корпорацияси ҳам жаҳонда ўз нуфузига эга. Унда фуқаро авиацияси учун ҳамда ҳарбий соҳалар бўйича самолётлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилади. Қолаверса, заводнинг электроника соҳасидаги фаолияти ҳам эътиборга молик. Унинг 1998 йилги савдоси 2 миллиард АҚШ доллари миқдорида баҳоланаётир. Бу ҳазилакам кўрсаткич эмас. Мазкур заводга ташрифи чоғида Ислом Каримов завод раҳбари Моше Керет билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида фикр алмашди. Ўзаро ҳамкорлик имкониятларини ўрганиш бўйича қўшма гуруҳ тузиш тўғрисидаги таклифни мамлакатимиз раҳбари қўллаб-қувватлади.

Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг бош омили иқтисодиёт экан, унда ишбилармонлар асосий ўринни эгаллайди. Шу боис Ислом Каримов хорижга сафарлари чоғида тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг сўзларини жон қулоғи билан тинглайди, уларга Ўзбекистонда бизнес қилиш учун мавжуд имкониятлар ҳақида кенгроқ гапириб беришга алоҳида эътибор қаратади. «Шоҳ Довуд» меҳмонхонасида Исроилдаги ишбилармон доиралар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашув ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Бу учрашув исроиллик ишбилармонлар Ўзбекистонга қанчалик катта қизиқиш билан қараётганини яна бир карра тасдиқлади. Учрашувда мамлакатдаги 100 дан ошиқ фирма ва корхона вакиллари иштирок этди. Ислом Каримов журналистлар билан мулоқотда учрашувнинг муҳим бир жиҳати ҳақида тўхталар экан, унда қатнашган фирма вакилларининг деярли барчаси кичик ва ўрта бизнес одамлари эканига эътиборни қаратди.

Хўш, бунинг биз учун муҳимлиги нимада? Биламизки, бугун мамлакатимиздa кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти. Бу нафақат иқтисодий, балки сиёсий характерга эга. Келажакда мамлакатимизда жамиятнинг бош бўғинини айнан кичик ва ўрта тадбиркорлар эгаллаши керак. Улар жамиятда мулкчиликни шакллантирмоғи, ўрта мулкдорлар синфини яратмоғи даркор. Ўрта мулкдорлар қатлами эртанги Ўзбекистоннинг эгаси бўлиши керак. Шу маънода кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Исроил тажрибаси бизга қўл келиши табиий. Негаки, бу борада дунёда Исроилга тенг келадигани йўқ. Ҳозир Исроилдаги кичик ва ўрта тадбиркорларнинг йиллик экспорти 25-26 миллиард АҚШ долларини ташкил этар экан.

Мамлакатимиз раҳбари учрашувда Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонлар учун яратилган қулай шарт-шароит, бизнес қилиш имкониятлари, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ҳақида гапирди. Бугун Ўзбекистонда 3600 дан зиёдроқ қўшма корхона фаолият кўрсатяпти. Шулардан бор-йўғи 21 тасида Исроилнинг улуши бор. Мавжуд имкониятларни хомчўт қилиб кўрсак, бу ниҳоятда кам.

Исроиллик ишбилармонларни Ўзбекистоннинг кўп жиҳатлари қизиқтириши турган гап. Ўзбекистоннинг катта миқдордаги табиий хомашё ресурслари, қулай геостратегик жойлашуви, мамлакатдаги тинчлик ва барқарорлик, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайликлар ва ҳоказо. Биз учун муҳими, хорижий сармоядорлар Ўзбекистон бозорида қолсин. Кези келганда айтиш керакки, кейинги 6-7 йил давомида Ўзбекистонга киритилган хорижий сармоя ҳажми 8 миллиард АҚШ доллари атрофида бўлди. Хусусан, ўтган йили ушбу кўрсаткич бир миллиард доллардан ошиқ бўлган эди.

Ўзбекистон билан Исроил ўртасида сиёсий ҳамкорликни ривожлантириш ҳам ҳар икки мамлакат учун катта аҳамиятга эга. Чунончи, биз қатор халқаро ва минтақавий муаммолар, наркобизнес, терроризм, экстремизм ва диний фанатизмга қарши кураш борасида самарали ҳамкорлик қилишимиз мумкин.

Шу ўринда бир гапни айтиш керакки, ташриф давомида мамлакатимиз раҳбарининг Исроил Президенти, Бош вазири, шунингдек, Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арафот билан бўлган учрашувлари, уларда муҳокама этилган масалалар Ислом Каримов Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишининг қатъий тарафдори эканини яна бир карра тасдиқлади. Яқин Шарқдаги нотинчлик Афғонистондаги уруш билан ҳам узвий боғлиқ, деди Ислом Каримов бу масала ҳақида ўз муносабатини баён этар экан. Бугунги замон шундайки, дунёнинг бир бурчида ўқ отилса, унинг овози бошқа бурчида акс-садо беради.

Ўзбекистон Президентининг Исроилга сафари муҳим бир жиҳати билан ўзига хосдир: ташриф давомида икки мамлакат ўртасида ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун шарт-шароит яратилди, томонлар ўз қарашларини ойдинлаштириб олди. Бугунги дунё — манфаатлар дунёси. Биз учун энг улуғ мақсад — озод ва обод давлат қуриш, дунёдаги тараққий этган мамлакатлар қаторидан жой олиш. Бунинг асосий шарти эса давлатлараро алоқаларни маҳкам қилиб, халқаро доирада мустаҳкам ўринга эга бўлиш, тинчлик ва барқарорлик, ватан равнақи йўлидаги бор имкониятлардан фойдаланиш. Ўзбекистон-Исроил муносабатларини ривожлантириш ҳам айни шу манфаатга мос келади.

Фарҳод АРЗИЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Қуддус — Тошкент.

● ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИДА

КЕЙИНГИ йилларда Ангрен шаҳрида ёшларни табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга катта эътибор берилаётир. Яқинда бошқатдан жиҳозланган ва янги кўргазмалар билан бойитилган ўлкашунослик музейи ихлосмандлар учун ўз эшигини очди. Халқимизнинг ўтмиши, тарихи, ўзига хос анъана ва урф-одатларини яхши ўрганмай, аждодлар қолдирган мерос қадрини англаш қийин. Истиқлол ғояларига содиқ қолиш тарбиясини ҳам айнан ўлкашунослик музейини ўргатишдан бошлаш лозим. Ёш авлодни воягa етказишда ўлка ҳайвонот ва ўсимликларига ҳам меҳр қўйдириш катта аҳамиятга эга. Шу боис мазкур музей ҳар доим ёшлар билан гавжум бўлмоқда.

СУРАТДА: музейнинг умумий кўриниши.

● ОРОМГОҲГА МАРҲАМАТ!

ЯНГИЙЎЛДА миллий меъморчилик асосида барпо этилган оромгоҳ шаҳар кўркига кўрк қўшиш билан бирга меҳнаткашларнинг севимли дам олиш маскани бўлиб қолди. Тушлик пайтида бу ерга ташриф буюрганларга турли хизматлар кўрсатадиган корхоналар, ошхоналар, чойхоналар ишлаб турипди.

СУРАТДА: янги оромгоҳда.
Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.

МИҚДОРИ КЎПАЙИБ, СИФАТИ ОРТМОҚДА

«Бекободцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳиссадорлари давр нафасини, бозор талабини ҳисобга олиб, харидоргир бўлган маҳсулот турларини тайёрлашни тобора кўпайтиришга эришмоқдалар. Бунда меҳнат унумдорлигининг ортишига катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадларда янги ишлаб чиқариш тармоқлари, қўшимча иш жойлари вужудга келтириляпти, мавжудлари эса таъмирланмоқда.

Ҳиссадорлик жамиятларида

Айниқса, бу соҳада шифер, асбоцементқувурлари тайёрлаш цехида кенг тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилиб, жорий қилинмоқда. Шу кунларда шифер ишлаб чиқариш иккинчи линиясини ишга туширишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бунинг учун юқори кучланишга эга бўлган электр двигателлари ўрнатиляпти. Қатор асбоб-ускуналар Олмалиқ ва Ангрен шаҳарларидаги заводларда таъмирланиб, шай қилиб қўйилди. Линияни ишга туширишга зарур бўлган бошқа мосламаларни олиш учун яқин хориждаги корхоналар билан ўзаро иқтисодий алоқалар ўрнатилди. Жумладан, Бишкекдаги «Дастан» фирмаси махсус занжирлар билан таъминлайдиган бўлди. Могилёвдан қолиплар, Оренбургдан резинали ўқлар келтирилиши ҳақида шартномалар имзоланди. Янги линия ишга тушгач, ишлаб чиқариш қуввати икки баравар ортади.

Цех бошлиғи Н. Маъмуровнинг айтишича, қўшимча линияни тайёрлаш ишлаб чиқариш жараёнларини бир дақиқа ҳам тўхтатмай олиб борилмоқда. Маҳсулот тайёрлаш давом этяпти. Шу туфайли ҳам ўтган етти ойда 13 миллион 500 минг ўрнига 14 миллион 600 минг шартли плита шифер тайёрланиб, режа 112,8 фоизга уддаланди. Биргина июль ойида цех жамоаси белгиланган топшириқни 109,1 фоиз бажариб, 8 километр ўрнига 25 километр узунликда асбоцемент қувурлари тайёрлашга эришди. Шу кеча-кундузда ишчилар 85-90 мингга яқин шартли тахта шифер ишлаб чиқаришга эришяпти. Якунланган ойда Ж. Турдимуротов бошлиқ 2-смена жамоаси яхши кўрсаткичларга эришган бўлса, жорий ойда Л. Сиродов етакчилигидаги смена ишчилари пешқадамлик қилишяпти.

Маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган тадбирлар самараси ҳам яхши бўлмоқда. Яқин-яқинларгача ишлаб чиқарилаётган шиферларнинг 3-3,5 фоизга яқини сифатсиз ёҳуд яроқсиз бўларди, эндиликда эса бу кўрсаткични 2 фоизга туширишга эришилди. Бунда қирғизистонлик ҳамкасбларнинг тажрибаси жуда қўл келди. Набижон ака Маъмуров бу қардош мамлакатнинг Кант шаҳридаги шифер тайёрлаш заводида иш сафарида бўлди. Маҳсулот тайёрлашдаги технология, қўлланилаётган усуллар билан яқиндан танишди. Ҳеч қандай аралашма ёки кимёвий модда қўшмасдан сифатли шифер ишлаб чиқариш мумкинлигига ишонч ҳосил қилди. Бу ерда ўрганган тажрибасини цех иш тизимига тадбиқ қилди. Натижада сифатсиз шифер камайди. Шу туфайли ҳам цех жонкуярлари ишлаб чиқараётган шиферларга талаб кундан-кунга ортиб бормоқда.

Абдумурод АШУРОВ,
Бекобод шаҳри.

СИМФОНИК МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ

22-27 сентябрь кунлари мамлакатимизда илк бор Халқаро симфоник мусиқа фестивали ўтказилади. Халқаро мусиқа куни арафасида бўлиб ўтадиган мазкур анжуманда жаҳоннинг йигирма саккиз мамлакатидан вакиллар иштирок этиши кутилмоқда. Биз анжуманни ўтказиш ташкилий қўмитаси раисининг ўринбосари, фестиваль бош директори, Ўзбекистон бастакорлар уюшмасининг раиси Рустам Абдуллаев билан Халқаро симфоник мусиқа фестивалига тайёргарлик ишлари ва унинг аҳамияти тўғрисида суҳбатлашдик.

— Тошкент шаҳрида Халқаро симфоник мусиқа фестивалини ўтказиш фикри қандай юзага келди?

— Мустақиллик туфайли мамлакатимиз ўзининг барча соҳалардаги оламшумул ютуқлари билан жаҳонга тобора юз тутиб бормоқда. Кўҳна тарихга, ўзига хос ноёб анъаналарга эга бўлган миллий маданиятимиз ва санъатимизга ҳукуматимиз томонидан эътибор кучайиб, катта ғамхўрлик кўрсатилаётгани ҳам биз, санъаткорларни беҳад қувонтирмоқда. Айниқса, ўтган йили Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилган ва дунё мусиқа жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали республикамиз довруғини жаҳон миқёсида яна бир карра намоён қилди. Чиройлик мусиқа байрамига айланган ушбу фестивалдан таъсирланган чет эллик мусиқа арбобларидан ҳали-ҳануз мактуб ва телеграммалар келиб турибди. Бу эса ўзбек бастакорларига бениҳоя фахр ва илҳом бахш этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш ҳақидаги қарори эса ўзбек маданияти ва санъатини янада ривожлантириш, уни халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, жаҳонга танитиш борасида катта имкониятлар тўғдирувчи муҳим тарихий ҳужжат бўлди. Бастакорларимиз ушбу қарорни мамлакатимиз мусиқа намоёндаларига бўлган катта ғамхўрлик деб билмоқдалар ва шу билан бирга, ўзларига жиддий масъулият юкланганлигини ҳам чуқур ҳис этмоқдалар.

Сўнгги йилларда миллий мусиқамиз, шу жумладан, замонавий ўзбек симфоник мусиқаси ҳам жаҳон миқёсида тобора кўпроқ шуҳрат қозонмоқда. Ўнлаб ўзбек санъаткорлари, ижодкор ёшлар хорижий мамлакатларда ўтказилган турли мусиқий анжуманлар, халқаро танловларда муваффақият билан қатнашиб, Ўзбекистон санъатининг шон-шуҳратини ошириб келаётганлиги эътиборга лойиқдир. Жумладан, Улуғбек Полвонов, Фазлиддин Ҳусанов, Дониёр Ҳолиқов, Алишер Султонов, Наргиза Олимова каби истеъдодли пианиночи ва скрипкачилар Грузия, Италия, АҚШ, Польша, Испанияда ўтказилган халқаро танловларда юксак маҳорат намойиш этиб, юқори ўринларни эгаллашди. Туркияда ўтказилган нуфузли Халқаро фестивалда иштирок этган Ўзбекистон миллий симфоник оркестри мазкур анжуманнинг энг олий совринига сазовор бўлди.

— Пойтахтимизда ўтказиладиган фестивалнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

— Тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари пойтахтдаги «Туркистон» саройида ўтадиган бундай фестиваллар жаҳонда жуда камдан-кам бўлади. Чунки бу каби анжуманлар катта бастакорлик мактаби ривожланган давлатларгагина хос. Шу боис фестивалда Америка Қўшма Штатлари, Франция, Япония, Хитой, Жанубий Корея каби бастакорлик юксак ривож топган мамлакатларнинг вакиллари иштирок этиш истагини билдиргани табиий.

Мустақил Ўзбекистонимизда ҳам бу соҳа юксак даражада ривожланганки, биз жаҳоннинг ҳар қандай давлати билан бу борада бемалол куч синашимиз мумкин. Шунинг учун ҳам хорижий санъаткорларни юртимизга таклиф этиб, уларни эришган ижодий ютуқларимиз билан, мустақиллик йилларида яратилган мусиқий асарларимиз билан таништиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Фестивалнинг рамзида ер курраси узра хумо қуши парвоз қилаётгани акс эттирилган. Бу эса халқимиз орзу умидлари, бахту иқболи, келажакка бўлган ишончи, тинчлик, дўстлик мақсадлари мусиқа орқали дунёга таралишини билдиради. Мусиқа анжуманининг асосий мақсади — ўзбек миллий симфоник мактабининг энг юксак ютуқларини халқаро миқёсда тарғиб ва ташвиқ этишдир. Айни пайтда жаҳон симфоник мусиқасининг янги-янги намуналари илк бор Тошкентда ижро этилади.

— Мусиқа фестивали қай тарзда ўтади ва тайёргарлик ишлари қандай бормоқда?

— Маданият ишлари вазирлиги, бастакорлар уюшмаси, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси ва «Ўзтелерадиокомпания» асосий таъсисчи бўлган фестивалга ташриф буюраётган хорижий санъаткорлар орасида жаҳонга таниқли бастакорлар, мусиқашунослар ва дирижёрлар бор. Анжуман дастурига кўра ҳамласи бўлиб еттита концерт намойиш этилади. Бунда мамлакатимизнинг кўзга кўринган ижодий жамоалари — давлат симфоник оркестри, «Ўзтелерадиокомпания»нинг хор жамоаси, камер оркестри, «Ўзбекнаво» таркибидаги хор жамоаси, «Сўғдиёна» халқ чолғу асбоблари камер оркестри ва ўнлаб истеъдодли санъаткорлар ўз маҳоратларини кўрсатади. Улар нафақат ўзбекистонлик композиторларнинг асарларини, айни пайтда, йигирмага яқин хорижий бастакорларнинг асарларини ҳам ижро этишади. Фестивалда қатнашиш истагини билдирган хорижий санъаткорлар бугунга келиб бизга асарлари нотасини олдиндан жўнатишган. Ижрочиларимиз ҳозир уларнинг қиррқа яқинини машқ қилмоқда. Концертлардан ва ижодий мулоқотлардан ташқари, Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театрида симфоник мусиқа равнақига бағишланган давра суҳбати ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Бўка туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалигида ўтган йили пахта режаси бор-йўғи 59 фоиз бажарилди, холос. Бу қолоқликнинг сабаблари кўп.

Малакали мутахассис Сайфиддин Сайдуллаев етакчилигидаги янги бошқарув маъмурияти аввалги йилдаги ишларни таҳлил этиб, асосий диққат-эътиборни рўй берган камчиликларнинг мазкур йилда такрорланмаслигига қаратди. Шу мақсадда деҳқончилик, энг биринчи навбатда пахтачиликда туб ўзгаришларга эришиш имкониятини берадиган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Аввало, одамларни рағбатлантириш, манфаатдорлигини оширишга эътибор кучайтирилди. Айтиш мумкинки, қилинган ишлар ҳозирнинг ўзидаёқ самарасини кўрсата бошлади. Далада бўлиб, пахтазорлардаги экиннинг ҳолати, ҳосил чўғини кўздан кечирсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Бу ишнинг бошланиши, албатта асосий вазифалар эса ҳали олдинда.

Мухбиримизнинг бошқарув раиси билан суҳбати шу хусусда бўлди.

ОДАМЛАРДА ИШОНЧ БОР

Бўка туманидаги «Туркистон» ширкатлар уюшмасида Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш ва қолоқликдан чиқиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

Биз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштира бориб, пахтачиликда меҳнатни ташкил этишга янгича ёндоша бошладик. Аввалги бригадалар ўрнида ширкатлар уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. Бу тадбир деҳқонларнинг ерга эгалик ҳуқуқини кучайтирди. Улар ҳосилдорликни ошириш, кўпроқ даромад олиш учун жон куйдириб меҳнат қила бошладилар. Чунки уларда энди меҳнатнинг пировард натижасидан кўнгилдагидек баҳраманд бўлишларига ишонч бор.

Биз эса бу ишончни янада мустаҳкамлашга, далада, деҳқончиликда ишлаётганларга ҳар жиҳатдан шароит яратиб беришга, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳаракат қиляпмиз.

Пировард натижа, манфаат, табиийки, ердан олинадиган ҳосилга боғлиқ. Шунинг учун биз деҳқончиликдаги ишларни ҳар жиҳатдан самарали бўлишини таъминлаш учун ер шароитини ипидан игнасигача ўрганиб, бу соҳадаги имкониятларни аниқ-равшан белгилаб олдик. Аввало, бозор иқтисоди талабларини ҳисобга олиб, ҳар бир тадбирни асосли қилиб, ҳисоб-китоб билан амалга ошира бошладик. Бир мисол. Ерларимиз Тошкент каналининг адоғида жойлашган. Демоқчиманки, кўп ҳолларда сув етишмай, экин сувга қонмай қолади. Бу, албатта, ҳосилдорликка катта таъсир қилади. Ана шуни ҳисобга олиб бу йил пахтанинг С-65-24 навини экдик. Бор-йўғи учта сув билан чегараландик. Бироқ, ҳосилдорлик дуруст. Ҳар гектар ерда 85 минг тупдан кўчатни сақлаб қолдик. Ҳар туп ғўзада 12-13тадан кўсак тўпладик. Агарда ана шу ҳосилни ўз вақтида ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олсак, салкам 2 минг тонналик режамизни ҳеч сўзсиз бажарамиз.

Мўлжал мўлжаллигича қолмаслиги учун эса бор куч, техникаларни тўла сафарбар этиб, йиғим-теримни тезкорлик ва уюшқоқлик билан ўтказиш талаб этилади. Ҳозирдан шунга ҳаракат қиляпмиз. Авжи қизғин паллада далаларда 600 га яқин жамоа хўжалиги аъзоси пахта теради. 800 гектардан ортиқ пахтазоримиз бор. Етиштирилган ҳосилни ўз кучимиз билан териб оламиз, десак ёлғончи бўлиб қоламиз. Шунинг учун, ҳашарчилар зарур. Шуни ҳисобга олиб мингга яқин ҳашарчиларга жойларни тайёрлаб қўйдик.

Биз ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Қўл кучи билан уч фоизгача пахта териш мумкин. Машиналар эса катта мадад бўлади. Ўзимиздаги 4та икки қаторли ва бир қаторли пахта териш машиналари ҳар бири учун 60 гектардан пахта майдонини ажратиб, алоҳида парвариш қилдик. Айниқса, бегона ўтдан ҳоли бўлишига катта эътибор бердик. Бу машиналарнинг 3таси ишга тўла шай қилиб қўйилди, биттасида баъзи камчиликлар бор эди, уни ҳам терим бошлангунга қадар эпини қиламиз. Механизаторларимиз Владимир Туганов, Йўлдош Масодиқов, Мухтор Норбўтаев, Бахтиёр Алдиёровлар билан суҳбатлашиб, уларнинг фикрини олдик. Машиналарнинг созлиги яхши, деб айтишди улар. Агар ҳаво туриб берса ҳар биримиз кунига ўрта ҳисобда 10-15 тоннадан, мавсумда эса 100-120 тоннадан пахта териб беришимиз мумкин. Энг муҳими ғўза баргини ўз вақтида ва сифатли тўктириб берсаларингиз бўлгани, дейишди улар.

Биз бунинг ҳам чорасини кўрмоқдамиз. Маслаҳатлашиб барг тўкишда хлорат-магнийда фойдаланишга қарор қилдик. Суюқлик дорини марказлаштирилган ҳолда тайёрлаб, ҳар гектарига ўрта ҳисобда 10 килограммдан сарфлаймиз. Бу иш аллақачон бошлаб юборилди. Дефолиациянинг сифатини мутахассисларимиз алоҳида назорат қилиб бормоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракати билан бу тадбирни узоғи билан 20 сентябрда тугаллаш, бир боскичнинг ўзидаёқ самарадорликка эришишни ният қилиб турибмиз. Ана шунда кечи билан 1 октябрда машина теримига киришимиз мумкин. Хўжаликда қўлда ва машинада териладиган пахта ҳисобига кунига 6-7 фоизга етказиб пахта тайёрлаш имконияти бор.

Лекин ҳамма гап юқори кўрсаткични ушлаб туриш, суръатни бўшаштирмасликда, албатта. Бу далада ишлаётганларнинг ишга бўлган муносабати, кайфиятига боғлиқ. Кайфиятни эса манфаатдорлик, қилинаётган ишга, меҳнатга ўз вақтида ҳақнинг бериб турилиши белгилайди. Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бизга катта мадад бўлади. Чунки қарорда топширилиадиган пахта учун истеъмолчиларнинг етиштирувчиларга ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб туришлари қатъий қилиб қўйилди. Биз шартнома бўйича қанча пахта топширсак, шунга яраша пешма-пеш пул ўтказиб беришади.

Теримчилар ҳар бир килограмм терилган пахта учун 5 сўмдан ҳақни олиб турсалар, механизаторларга ҳам терган пахталарининг тоннасига қараб пул бериб борилса, албатта, улар ишлайдилар. Оддий ҳисобкитоб қилиб кўрайлик: агар бир теримчи кунига ўрта ҳисобда 100 килограммдан пахта терса, беш кунда 500 килограмм бўлади ва нақд 2500 сўм пул олади. Ўн беш кунда 7500 сўм. Бу ҳозирги бозор иқтисоди шароитида озмунча пул эмас!

Ана шу ҳақда мушоҳада қилар эканман, бу йил теримни уюшқоқлик билан ўтказиб, даладаги бор ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиштириб олиш учун асос бор, деб ўйлайман. Даладаги кўтаринки руҳ, одамларнинг кайфияти бунга кафолатдир! Улар кундалик терилган пахта учун олинадиган ҳақдан ташқари совринли ўринлар ҳисобига ҳам даромадларини кўпайтириш пайида бўлмоқдалар. Айниқса, Суннат Шодиев, Ўзбек Эшонқулов, Бўлсин Усмонов, Ҳошим Масодиқов сингари деҳқонлар бошлиқ ширкатлар уюшмаларида дала ишлари қизғин бораётир. Бу уюшмаларнинг пахтакорлари ўзларига биркитилган майдонларнинг ҳар гектаридан камида 30 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Уюшмамизда ғаллачиликни ҳам оёққа турғазиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бу йил 800 гектар ерда дон етиштирилади. Бунинг 400 гектари очиқ ерда, 400 гектари пахтадан бўшаган майдонга экилади. Деҳқонларимиз совуқ тушгунга қадар ғалла майсаларини тўла ундириб олиб, келгуси йилга мустаҳкам замин ҳозирлаш тараддудини кўрмоқдалар.

Суҳбатдош Носир РИХСИЕВ.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

Воқеалар тўлқинида

➡ ЛОНДОНДА «катта саккизлик»нинг ташқи ишлар ва молия вазирлари, Жаҳон Банки, Халқаро Валюта Фонди ва Оврупо Иттифоқининг юқори мартабали вакиллари йиғилдилар. Россия ва Дунё миқёсидаги молиявий инқироз масалаларини муҳокама этишга бағишланган мазкур кенгаш «фавқулодда» деб аталди.

➡ БОСНИЯ ва Херцоговинада фуқаролар уруши тугагандан сўнг ва 1995 йилда Дейтон шартномаси имзоланганидан кейин биринчи марта парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда 2,7 миллион аҳолининг 70 фоизи иштирок этди.

➡ ИРОҚ парламентининг фавқулодда мажлисида БМТ Бағдодга нисбатан иқтисодий жазо чораларини бекор қилмаса, Ироқ аслаҳаҳоналарини текшираётган БМТ махсус комиссияси билан барча алоқаларни узиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Депутатлар бу таклиф учун бир овоздан розилик бердилар.

➡ ОЯТУЛЛО Али Ҳаманий барча ислом давлатларини «Толибон»ларнинг мусулмон шиаларни ўлдиришига қаршилик кўрсатишга чақирди. Чунки, улар Афғонистоннинг Бамиан шаҳрида юзлаб кишиларни маҳв қилмоқдалар.

➡ КОЛУМБИЯ президенти Андрес Пастрана давлат хизматидаги коррупцияга қарши курашувчи сараланган бўлинма тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Унинг айтишича, коррупцияга алоқадор шахс, ким бўлишидан қатъий назар, жазоланиши керак.

➡ АҚШнинг Халқаро тадқиқотлар институти кенгашининг қарори билан машҳур ўзбек олими, неврология профессори, академик Наби Мажидовга «1998 йилнинг энг машҳур одами» деган фахрли юксак унвон берилди.

ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ ЎНГИДАН КЕЛМАДИ

АЛБАНИЯ пойтахти — Тиранада катта тўпалон бўляпти. Муҳолифатдаги Демократик партия тарафдорларининг жанжали қуролли тўқнашувга айланиб кетди. Гап шундаки, мазкур партиянинг юзлаб аъзолари бош вазир Фатос Нанонинг қароргоҳини ўраб олиб, унинг ичига киришга ҳаракат қилдилар. Бунинг уддасидан чиқа олмаганларидан сўнг, бинони ёқиб юбордилар. Эртасига намойишчилар танкка қарши граналар, автоматлар билан қуролланиб, қатор ҳукумат маҳкамаларини ва телемарказни ишгол қилдилар. Муҳолифат раҳнамоси, собиқ президент Сали Бериша ўзининг телемурожаатида ҳукуматдан дарҳол истеъфога чиқишни талаб қилди. Бу орада муҳолифат арбобларидан бири — Азем Ҳайдарий ўлдирилди.

Шундан сўнг ҳукумат пойтахтга танклар киритди. Ички ишлар вазирлиги ва полициячиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Тиранада тартиб қайта ўрнатилди. Шундай қилиб, Искандербек майдонидан бошланган давлат тўнтариши қилишга уриниш пучга чиқарилди.

ЯДП КОММУНИСТЛАРГА ҚАРШИ

ЯПОНИЯДАГИ нуфузли демократик партия ҳеч қачон мамлакатдаги коммунистлар билан келишувга кела олмайди. Бу ҳақда Япония демократик партияси (ЯДП) раҳбарларидан бири Юкио Хатояма журналистлар билан қилган суҳбати чоғида гапирди. Маълумки, бугунги кунда ЯДП мамлакатдаги асосий муҳолиф куч ҳисобланади. Яқинда ўтказилган сўровлар ҳам партиянинг мамлакат аҳолиси ўртасида анча обрўли эканини кўрсатди. Ю. Хатояма коммунистлар мамлакатдаги монархия ва Америка империализми хусусида ўз қарашларини ўзгартирмас экан, улар билан иттифоқ тузиш тўғрисида ҳеч қандай фикр-мулоҳазалар бўлиши мумкин эмаслигини маълум қилди.

ҚОРА КУРСИДА ТЕРРОРЧИЛАР

ПАРИЖ яқинидаги Флери-Мерожис деган қўрғончада «Шалабий тўри» деб аталган гуруҳга мансуб бўлган 138 террорчи устидан суд бошланди. Улар Жазоирнинг мутаассиб жангарилар ташкилоти — Қуролли ислом жамияти билан ҳамкорлик қилганликда айбланмоқдалар. Мазкур жамоа 1995 йилда Франция пойтахтида қатор террорчилик ҳуружлари уюштириб, ўнлаб одамларнинг ўлимига ва жароҳат олишига сабабчи бўлган эди.

Суд жараёнида 43 яшар Муҳаммад Шалабий асосий шахс ҳисобланмоқда. Судда жиноятчилар қароргоҳидан топилган катта ҳажмдаги портлатгичлар, Калашников автоматлари, сохта ҳужжатлар, тегишли адабиётлар намойиш этилмоқда.

Шарҳчиларнинг фикрига қараганда, террорчилик ҳуружларини уюштиришда қўллаб-қувватлаганлиги ва моддий ёрдам бериб турганлиги учун қора курсида ўтирганларнинг ҳар бири камида ўн йилдан қамоқ жазосига ҳукм этилиши мумкин.

СИР ФОШ ЭТИЛДИ, ЭНДИ-ЧИ?

АВГУСТ ойининг ўрталарида жаҳон оммавий ахборот воситалари ғалати бир шов-шувли хабар тарқатдилар. Унда гап Куба Республикасининг раҳбари Фидел Кастро ҳаётига хавф солувчи суиқасд тафсилоти устида борарди. АҚШ федерал текширув бюроси ходимлари режалаштирилган мудҳиш воқеанинг олдини олишга муваффақ бўлганлар.

Оммавий ахборот воситаларининг ёзишича қараганда, Куба—Америка миллий жамғармаси деб аталган ташкилотнинг айрим нуфузли раҳбарлари Ф. Кастрони жисмонан йўқ қилиш режасини анчадан бери амалга ошириш йўл-йўриқларини такомиллаштириб келганлар. Машъум хуружни адо этиш мазкур ташкилот билан алоқада бўлган ашаддий жангарилар Хосе Антонио Льяма, Хосе Родригес, Альфредо Домингес Отеро, Анхель Мануэль Альфонсо, Анхель Хернандес Роха, Хуан Баутиста Марке ҳамда Франциско Секундино— Кордоволар зиммасига юклатилган.

Ушбу етти нафар шахс ўтган тўрт йиллик фитна жараёнларида фаол қатнашганлар. Фидель Кастро душманларининг фикрича, Куба президентига суиқасд АҚШ ва Куба ҳудудидан ташқарида бўлган чоғда амалга оширилиши кўзда тутилган. Бўлажак қурбон 1997 йилнинг ноябрь ойида Венесуэланинг Исла-Маргариту шаҳрида бўлганида фитначилар ўз мақсадларига жуда яқинлашдилар. Аммо, тасодифий ҳолатлар ишни «қилни хамирдан суғургандай бажарилишига» ҳалақит берди. Кейинги тажовуз Ф. Кастро шу йилнинг августи бошларида Кариб денгизи минтақасидаги мамлакатларга ташриф буюрган пайтида уюштирилиши лозим эди. Охирги нуқта Барбадос деб белгиланди.

Лекин, бу гал фитначиларнинг сири фош этилди ва улар қўлга олиндилар. Террорчиларнинг қароргоҳларидан мусодара этилган 50-калибрли иккита ярим автоматик снайпер-милтиғи, 46 футли тез юрар кема, тунда кузатиш имконини берадиган асбоб-ускуналар, портлатгичлар, турли замонавий миналар ва бошқа ашёвий далиллар уларнинг қора ниятларини яққол ошкор қилди.

Американинг Пуэрто-Рико штатидаги Сан-Хуан федерал катта ҳайъати қамоқдаги тўрт нафар суиқасдчига 27 августда айбнома топширди. Қолган уч кишининг қўлига эса 2 сентябрда шундай ҳужжат тутқазилди. Айни кунларда тергов-текширув ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Суд жараёнларининг қачон ўтказилиши яқин орада маълум бўлади.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

♦ ФИЛИППИН президенти Жозеф Эстрада мамлакатда инсон танаси аъзоларини ноқонуний олиш ва сотиш билан шуғулланиб келган бир гуруҳ жиноятчилар тўғрисида хабардор қилинди. Давлат бошлиғи ҳуқуқ ва тартиботни муҳофаза этиш идораларига бу воқеани дарҳол синчковлик билан текширишни топширди.

♦ АВСТРАЛИЯЛИК йирик корчалон — Руперт Мэрдок Англиянинг энг машҳур футбол жамоаларидан бири — «Манчестер юнайтед»га эгалик қиладиган бўлди. Жамоа директорлар кенгаши ишбилармон билан ўтказилган музокаралардан сўнг акцияларнинг назорат пакетини унга 625 миллион фунт стерлинг (1,062 миллиард АҚШ доллари)га сотишга қарор қилди.

♦ ФРАНЦИЯДА чиқадиган «Паризьен» газетасининг ёзишича, Ер қуррасининг ҳарорати йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунга озон қатламидаги ўзгаришлар сабаб бўлмоқда. Аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, 2050 йилга бориб Арктика ва Антрактика музликлари эрий бошлайди. Венеция ва Багам ороллари сув остида қолади. Амстердам ва Роттердам сингари шаҳарлар чўкиб кетади. Сахара чўллари Ўрта Ер денгизигача кенгайиб кетиши мумкин.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 21

Ўз ТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.40 «Таҳлилнома»
*
8.40 Лирик тароналар.
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.30 «Жаҳон спорти».
9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.15 Жаҳон киноси юлдузлари.
10.35 «Сеҳрли най». Мульт-фильм.
10.45 Кундузги сеанс. «Регтайм». Бадиий фильм. 1-серия.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.35 «Оила». Тележурнал.
13.00 — 14.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қора қаср». Мульт-фильм премьераси.
18.30 «Дардингизни олай».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Увайсий» фильм-концерт премьераси.
22.10 «Сиёсат оламида».
22.40 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун V халқаро турнирининг якунига доир.
23.10 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 43-кўй.
23.50 «Ахборот».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод».
18.15 Мульттомоша.
18.30 Кулгига нима етсин?
18.45 «Буюк юрт фарзандиман».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 «Сурур».
19.35, 20.25, 22.20 Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Жаҳон».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.05 «Ўзбегим».
21.25 «Мусиқий коктейль». Араб эстрадаси.
21.40 «Нигоҳ».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Жейн хоним». 1—2-сериялар.
00.25 Спорт қитъаси.
00.55 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Болалар учун «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.30 «Санта— Барбара» Телесериал.
19.10 Телефакт.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дорихона» эшитади...
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Ҳудуд «М.» Ёшлар учун ахборот-дам олиш кўрсатуви.
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.20 Саргузашт фильмлар экрани.
23.45 Спорт-тайм.
00.15 «ТТВ мюзик».
00.30 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
00.35 «Дарвоқе...». Ҳажвий кўрсатув.
01.00 «Модерн токинг—98».
01.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

Ўз ТВ IV

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 «Кўзмунчоқ».
*
Россия жамоат телевидениеси:
19.00 Душанба куни Познер билан. «Ниқобдаги киши» дастури.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.40 «Муҳаббат тарихи» Телесериал.
21.30 «Вақт ҳазинасидан».
*
21.50 «Мафтункор табиат». Ўрмончиликдаги ислоҳотлар.
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: «Флетч». Комедия (АҚШ).
24.00 «Сиз учун!».
00.25 «Шлягер».
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс: «Овчи». Триллер. Бош ролларда Мэдхен Эмик, Гарри Химлин (АҚШ).
02.35—02.40 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА, 22

Ўз ТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»,
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Ер ва диёр тароналари.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Қоядаги расмлар».
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 43-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
10.25 Янги алифбони ўрганамиз.
10.55 «Созга солдим Алломишни».
11.25 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 49-серия.
11.40 «Талаб ва таклиф».
12.05 «Санъат оламида».
12.25 Кундузги сеанс. «Регтайм». Бадиий фильм. 2-серия.
13.30—14.00 «Янги авлод».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Омад юлдузи». Телеўйин.
18.40 «Ҳаёт чашмалари».
19.00 «Сўнмас зиё». «Ўзкинохроника» премьераси.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бунёдкор».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Илҳом Фармонов қўйлайди.
21.30 «Акс-садо».
22.05 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда—Андижон вилояти.
22.40 Диққат, премьера. М.Бобоев «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 44-кўй.
23.25 «Дастурхон нонга тўлсин».
23.45 «Ахборот»
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод».
18.25 Мульттомоша.
18.40 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Солиқ ҳақида сабоқлар.
19.35, 20.25, 22.20 Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Газал сонинчи».
20.50 «Голливудга нигоҳ».
21.10 Ёшлар ва спорт.
21.25 «Мусиқий коктейль». Шарқ эстрадаси.
21.40 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун V Халқаро турнири якунлари.
22.05 «Давр». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Авиаҳало-кат келтирган хазиналар сари».
00.15 Спорт қитъаси.
00.45 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.20 Мусиқий лаҳза.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Дунёнинг бир бўлаги». Исроил.
22.05 «Голливуд юлдузлари».
22.25 «Бешинчи ўлчов».
22.45 «Молт ва фил». Мультсериал.
23.10 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 Кино, кино, кино.
01.10 «Хайрли тун, шаҳрим!».

Ўз ТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
*
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 «Менинг кўчам».
*
Россия жамоат телевидениеси:
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.25 «5 дақиқа ҳангома».
21.30 «Касбга назар».
21.45 «Подиум».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф «Флетч тирик». Комедия (АҚШ).
24.00 «Дурдаршан».
00.30 «Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...»
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс. Николас Кейдж «Қамоқ самолёти» фильмида (АҚШ).
02.50 — 02.55 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА, 23

Ўз ТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.
8.50 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
9.05 «Мезон».
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 44-кўй.
10.00, 12.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 «Озод ва обод юрт».
10.25 Алифбо сабоқлари.
10.55 Болалар учун. «Севимли созим».
11.15 «Акс-садо».
11.45 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 50-серия.
12.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.30 Кундузги сеанс: «Кўчатлар». Бадиий фильм.
14.10—14.30 «Муҳаббат дарси».
* * *
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Хоразм» «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаф рус пайтида — Янгиликлар.
18.50 «Уйқу салтанати». Мультфильм.
19.00 «Хотира». Уллибиби Отаева.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Соз васфи». Мусиқий дастур.
21.50 Бурҳониддин Марғиноний таваллуди олдидан «Ватанни севмоқ иймондандир».
22.20 «Кинонинг минг бир олами». Кинокўрсатув.
22.40 «Ойдин кечалар»:
«Билим ринг».
«Болалигим, сени соғиндим».
«Дийдор».
00.05 «Ахборот».
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод».
18.20 «Мульттомоша».
18.35 «Спектаклдан сўнг».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 «Минг бир маслаҳат».
19.35 «Ракурс».
19.55 «Coscom» хабар қилади.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 22.55 Эълонлар.
20.30 «Ринг».
20.50 «Эркин фикр».
21.20 Ёшлар қўйлайди.
21.45 «02» тўлқинида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 Олмонияга саёҳат.
22.40 Хит-коллекция.
23.00 Синема. «Қуёш хатари».
00.40 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Мультфильм.
18.20 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.35 «Санта—Барбара». Телесериал.
19.20 Мусиқий лаҳза.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Мусиқа билан 10 дақиқа».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Менинг Тошкентим!» Муаллифлик кўрсатуви.
22.20 Эстрада тароналари.
22.40 «Кўзгу».
23.00 «Битлс» ҳақида» Ҳужжатли фильм. 1-қисм.
00.05 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
00.10 Оҳанглар ва эълонлар.
00.20 Видео—«О».
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

Ўз ТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 «Телешифокор».
*
Россия жамоат телевидениеси:
19.10 «Инсон ва қонун».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.25 «5 дақиқа ҳангома».
*
21.30 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
21.45 «Шоҳсупа сари йўл».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 8—9-сериялар...
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс: «Тайёр қўйлак». Мелодрама. Бош ролларда Марчелло Мастроянни, Софи Лорен (Италия).
03.00—03.05 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА, 24

Ўз ТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»,
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мозийдан садолар». Мусиқий дастур.

9.10 «Эртанги кунга ишонч».
9.35 «Ҳарбий мусиқа оркестри». «Ўзкинохроника».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Сиҳат-саломатлик почтасидан».
10.25 Болалар учун. «Умид учқунлари».
10.50 «Кафолат».
11.10 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 51-серия.
11.25 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
11.45 «Зийнат».
12.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мусаввир Малик Набиев».
12.15 Ўзбек қўйларидан концерт.
12.45 Кундузги сеанс. «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм.
14.10—14.50 «Ҳаёт рисоласи».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Чемпион билан учрашув».
18.25 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.50 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.45 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ўзма-юза».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни»...
21.50 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.
22.20 «Қонун ва ижро».
22.40 «Келин-куёв». Телешоу.
23.40 «Кайфа».
00.05 «Ахборот».
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод».
18.20 Мульттомоша.
18.35 «Мезон».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Дилнавоз садолар.
19.35, 20.25, 22.35 Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Ёшлик наволари.
20.40 «Иймон».
21.05 Энг синчков томошабин.
21.40 «Дойче Велле» тақдим этади...
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 Жаҳон жанговар саньати.
22.40 Синема. «НУХ кемаси қондалари».
00.30 Спорт қитъаси.
01.00 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.05 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.10 «Мусиқий дақиқалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ТВ ва театр».
21.20 «Довюраклар». Телесериал.
22.05 Оҳанглар ва эълонлар.
22.15 Кинонигоҳ.
23.55 «Даракчи».
24.00 «Яхши қайфият».
00.50 Тунги тароналар.
01.10 «Хайрли тун, шаҳрим!».

Ўз ТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 «Бинафша».
18.05 «Биргаликда куйлайлик». Телешоу саҳифаларида.
*
Россия жамоат телевидениеси:
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Глинка, 44».
21.35 «Спорт-клуб».
22.00 «Вести».
22.30 «Кино сайёраси». Б. Бардо.
22.45 Б. Бардо «Ҳақиқат» фильмида. (Франция).
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс. «Колумбнинг саёҳати». Тарихий фильм (АҚШ).
02.45—02.50 Тунингиз осуда бўлсин!

ЖУМА, 25

Ўз ТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Куйлардан қўшиқларга.
8.55 Аруз гулшани.
9.05 «Соғлом авлод учун».
9.20 Тофиқ Ал-Ҳаким. «Изҳор». Теленовелла.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Мозийдан бир мўъжиза».
10.20 Немис тили.
10.50 Болалар учун. «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
11.15 «Устозлар даврасида». Мусиқий дастур.
11.45 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 52-серия.
12.05 «Ҳуқуқий жамият сари».
12.30 Кундузги сеанс: «Қора қисқичбақа чангалида». Бадиий фильм.
14.10 — 14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» — «Трактор».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Хикматнома».
18.25 «Ислоҳот ва масъулият».
18.45 «Севгининг шўх торидан». Сайдулла Маҳкамов.
19.05 «Дунё адабиёти».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.50 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тиламиз».
20.05 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Адолат мезони».
21.20 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
22.10 «Азиз сиймолар».
22.30 Бадиий фильм.
23.50 «Ахборот».
00.15 Футбол Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» — «Нефтчи».
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод».
18.20 Мульттомоша.
18.35 «Ўй остонадан бошланади».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 «Шабнам».
19.35, 20.25, 22.35 Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.50 Ёшлик наволари.
21.10 «Бизнес-доктор».
21.40 «Азизим».
22.05 «Автосалтанат».
22.15 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Синема. «Минэ» (Туркия).
23.55 «Мусиқий коктейль». Араб эстрадаси.
00.15 Спорт қитъаси.
00.45 «Мунаввар тонг истаб...».
*
00.50 «Айчурэк».

ЎзТВ-III

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Болалар учун. «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
8.25 «Туризм ҳақида».
8.55 «Модерн токинг—98».
9.40 Саргузашт фильмлар экрани.
11.05 «Мусиқий меҳмонхона».
11.25 «Дунёнинг бир бўлаги». Исроил.
11.40 — 13.10 Кинонигоҳ.
* * *
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.05 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий лаҳза.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Онагинам».
20.15 Рақслар жилоси.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Довюраклар». Телесериал.
21.40 «Жозиба».
21.55 Спорт оламида.
22.20 «Даракчи».
22.25 «Умр дафтари».
22.50 ЎзТВ фильмофондидан. «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
00.15 «Даракчи».
00.20 Оҳанглар ва эълонлар.
00.30 Кинонигоҳ.
02.10 «Хайрли тун, шаҳрим!».
*

Ўз ТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси:
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.25 «Бу — Хитой».
21.45 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар» мукофоти антологияси. 1948".
22.45 «Оскар» совриндорлари: «Велосипед ўғрилари». Бадиий фильм.
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс: «Муҳаббат атри». Мелодрама. Бош ролларда Софи Марсо, Венсом Перез (Франция).
02.35—02.40 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА, 26

Ўз ТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Зиёрат».
9.15 Телевизион миниатюралар театри.
9.50 «Шохрух» клуби.
10.10 «Яшил орол сири». Мультфильм.
10.20 «Тасвирга кўчган кўнгил».
10.45 «Умид» студияси намойиш этади:
«Орзулар қанотида».
«Оқибат».
«Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
«Эстрада ва ёшлар».
«Яшил чироқ». Телемусобақа.
*
12.55 «Ҳаёт карвони». Публицистик кўрсатув. 1-қисм.
13.15 Кундузги сеанс. «Муфасаил». Бадиий фильм.
14.45—15.15 «Маънавият».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.20 «Уйғоқ қўлар». Кинокўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.00 «Мардлар қўриқлайди Ватанни!»
22.20 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
23.10 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.35 Мусиқий саёҳат.
23.55 «Ёвуз». Бадиий фильм. 1-серия.
01.15—01:20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Болаларнинг тили».
9.15 «Куйла, ёшлигим».
9.25 «Туйғу».
9.45 «Мутойиба».
10.05 «Нигоҳ».
10.20 «Тақдим».
10.35 «Буюк юрт фарзандиман».
10.50 «Мерос». Бадиий фильм. 2-серия.
11.40 «Эркин фикр».
11.55 Мусиқий клиплар.
12.05 Ёшлар ва спорт.
12.20 «Мафтункор чеҳралар».
12.45 «Ўзбегим».
13.05 «Мусиқий коктейль».
13.20 Ринг.
13.40 «Энг синчков томошабин».
14.15 Жаҳон жуғрофияси.
15.05 Экранда — премьера. «Синдбад». Телесериал.
15.50 Хит-коллекция.
16.10 «Синема».
17.30 Спорт қитъаси.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод».
18.20 Мульттомоша.
18.35 «Дилбарим».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 «Агарда сиз...»
19.35, 20.30, 22.50 Эълонлар.
19.40 «Ўзбектелефильм» премьераси. «Чарҳпалак». Бадиий видеофильм, 6-қисм.
20.35 «Баҳс, мунозара, таҳлил». Адабиёт тушунчаси.
20.55 Бизнес-академия.
21.15 «Интер-футбол».
21.30 «Сир».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.20 «Давр». Ахборот дастури.
*22.10

Муштарийлар мушоираси

ИСТИҚЛОЛДАН РОҲАТИ БОР, ЎЗБЕКИСТОНСАН!

Она замин соғ-омон, тинчлик, хотиржамлик, тотувлик ҳукм сурган юртда, тараққиёт барқарор бўлган юртда истеъдодли кишилар кўпаяверар экан. Буларнинг ҳаммаҳаммаси Ватанимиз истиқлоли туфайли юз бераётганини инкор қилиб бўлмайди. Ўзлигимизни таниялмиз, миллатимиз шуури билан фахрланяпмиз.

Тошкент вилоятида ҳам яшаб, ҳам ижод қилаётган иқтидорли ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг фаолиятларида, илҳомларида, дил сўзларида истиқлол, озодлик, Ўзбекистонимизга меҳру-муҳаббат, халқимиз ва юртимиз ҳаётида рўй бераётган буюк ўзгаришларни шеърий сатрларда тараннум этиш истаги ғоятда кучли.

Қуйида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими томонидан тайёрланган ёш шоирларимиз гуруҳининг ижодий намуналарини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

АСРАГИЛ, ЎЗБЕКНИНГ АЁЛЛАРИНИ

Онам де, ёрим де, синглим де фақат
Муборак қўлларин айлагин тавоф,
Бахш айла сен унга дилдан муҳаббат,
Ва кўнгил дардига беролгин жавоб.
Турмуш банд этгандир хаёлларини,
Асрагил, ўзбекнинг аёлларини.

Бири Фотимадир, бириси Зуҳро,
Ватан осмонига ярашган ойдир.
Манзурим, марғубим бу гулшан аро
Ҳуснда ягона, тенгсиз чиройдир.
Севгандек кўкламнинг ниҳолларини,
Асрагил, ўзбекнинг аёлларини.

Андиша, одобнинг бекаси улар,
Феруза осмондир кўзгуси асли.
Шунданми ёруғдир юлдузли тунлар,
Тонг дилбар аёлдир — Қуёшнинг васли.
Тинглай бил, азалий саволларини,
Асрагил, ўзбекнинг аёлларини.

Улар анор каби бағри қон, гўзал,
Анордан ранг олган Ватан гумбази.
Фирдавсий бахш этган ўшадир ғазал,
Бу юртни яшнатган аёл нафаси.
Кўрмасин дунёнинг заволларини,
Асрагил, ўзбекнинг аёлларини.

Бу уйнинг Зайнабу Кумушлари бор,
Тўйларга бош бўлар Ўзбегойимлар.
Оқила, донодир ҳар ишда дилбар,
Ўзбегойимларни мақтаб қўйинглар.
Миллат деб ўтказар ҳар онларини,
Асрагил, ўзбекнинг аёлларини.

Жони темирдандир, кўнгли гул каби,
Аждоди Тўмарис, Барчинлар бўлган.
Улуғвор сўзларин салмоғи, зарби,
Шунданми бошига бахт қуши қўнган.
Ким севмас истиқлол шамолларини,
Асрагил, ўзбекнинг аёлларини.

Ашурали БОЙМУРОДОВ,
Зафар қўрғони.

ПАРКЕНТ

Паркент кўҳна истеҳком,
Чотқол метин кўксидир.
Ой қуббаси, сержило,
Қуёш яқин дўстидир.

Бу элатнинг қизлари,
Юлдузларга юз очган.
Йигитлари кўксида,
Тиғ турса ҳам жилмайган.

Заминига чўп тушса,
Ниҳол бўлиб солланар.
Турнакўз булоғидан —
Бемор ичса жонланар.

Бу элатнинг деҳқони,
Бозорда тортишмайди.
Бежизга шаҳарликлар —
Танти деб айтишмайди.

Етти қишлоқ Еттикент.
Етти азим чинори.
Ардоғида улғайган,
Усмоннинг ифтихори!

УСМОН БЕК,
Паркент.

ВАТАН

Менинг элим туркий ўзбек,
Юзи ёруғ, қомати тик.
Мен ҳам ниҳол фарзандингдек,
Ватан, сени ардоқлайман.

Келди иқбол, келди ҳузур,
Истиқлолинг таратар нур,
Минг бор шукр, минг бор шукр,
Ватан, сени ардоқлайман.

Сен чаманим, баҳоримсан,
Файзли тонгим, наҳоримсан.
Бир ажиб ифтихоримсан,
Ватан, сени ардоқлайман.

Йўлимизда ёғдулар бор,
Офтобдай соф туйғулар бор.
Сен озодсан — мен бахтиёр,
Ватан, сени ардоқлайман.

Юртни севинг имон бўлса,
Виждон бўлса, виждон бўлса...
Танда жоним омон бўлса —
Ватан, сени ардоқлайман.

ЎЗБЕКИСТОНСАН

Бир ўзни демайди, ҳеч, дунёни дер,
Ҳар яхшига ҳиммати бор, Ўзбекистонсан.
Неки бўлса Худони дер, Худони дер,
Шундай буюк ҳислати бор, Ўзбекистонсан!

Дунё ичра қай гўшада қай еринг кам,
Ёмонга бош эгмагансан, бўлмай қарам.
Ҳур диёрсан, қувончинг бор, олам-олам.
Саҳрода ҳам жаннати бор, Ўзбекистонсан!

Тарихинг бор, жуда улкан, жуда чуқур,
Бутун дунё тан бермишдир, минг бор шукр.
Келди шодлик, келди қувонч, келди ҳузур,
Истиқлолдан роҳати бор, Ўзбекистонсан.

Мард ўғлонлар, мард посбонлар диёрисан.
Тўмарисдек момоларимнинг орисан.
Ўзбек деган улуғ халқнинг сен борисан,
Ҳумо қушдан бахтиёр Ўзбекистонсан.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
Қибрай.

БАХТ

Ким бахтлидир дунёда.
Ва нимадир ўзи бахт?
У на пулдир, на бойлик,
Ва на олтин тожу-тахт.

Бахт бу дунёга келиб,
Хаётни кўра олмоқ.
Бахт бу бешикда ётиш —
Бўлиб ширин чақалоқ.

Даданг келганда қучиб
Бўйнига осилмоқ бахт.
Ота-онага суянч,
Фарзанд бўлиб қолмоқ бахт.

Азиз инсонлар учун
Қилсанг неки эзгу иш.
Билсанг, бари бахт, ҳатто,
Тўй дея чекмоқ ташвиш.

Дунёга келибсанки,
Бахтдир ҳар он, ҳар нафас.
У ёнингда фақат сен
Уни кўра олсанг бас!

Ирода АЗИМОВА,
Ниёзбош қишлоғи.

ВАТАНИМ

Эзгуликка йўлдош Ватаним,
Умидворга қўлдош Ватаним.
Мустақиллик муҳрини олган,
Энг қадимий ва ёш Ватаним.

Дастурхони файзли, фарахли.
Фарзандлари мустаҳкам аҳдли.
Дўст-ёронлар аҳил қадрдон,
Ҳаммаси тинч, баркамол бахтли.

Бунда ақл топгуси камол,
Бунда идрок кўрсатур жамол.
Инсон эркин сақлар адолат,
Бунда меҳнат келтирар иқбол.

Эъзоздадир оталар қадри,
Шамшод мисол оналар қадди.
Ўғил-қизнинг ҳурматларидан,
Нима қилса сиғади ҳадди.

Мустақиллик шарофати — бу.
Озодликнинг саодати — бу.
Фароғатли кунлар тонгидан,
Келажакнинг ҳидояти — бу.

Абдуқодир ҚАЮМОВ,
Тошкент.

ОРЗУЛАРИМ

Ҳали жажжи қизалоқсан,
Сенга боқиб тўймас кўзим.
Гулнинг япроғидай поксан,
Сен ёшлигим, менинг ўзим.

Бошгинангда ҳарир рўмол,
Юзларингни ўпар гўё,
Ва маҳлиё бўлган мисол,
Термулади сенга дунё.

Ўз-ўзидан бўлиб шодон,
Келиндайин кийинтиргум.
Орзуларим алвон-алвон,
Ширин-ширин хаёл сургум.

Ойсара ҒАНИҚУЛОВА.
Олмалиқ.

ЧОРЛАДИМ, ҚОШИМҒА КЕЛМАДИНГ, АММО...

Чорладим, қошимга келмадинг аммо,
Чорладим, ғам келди, келди бир армон.
Ўшал кун кундуз ҳам тунга эврилди,
Ўшал кун аламдан йиғлади осмон.

Япроқлар шивирлаб мени кутдилар,
Тонг қадар кел дея қилиб илтижо,
Боғларнинг пойига бош уриб борди,
Қирмиз олмаларни дув тўкди сабо.

Гуллар юрагимга айланди маним,
Кўзлари соғинчдан толди тонг қадар.
Сувлар оят ўқиб ёлворди Ҳаққа.
Келмадинг, бош олиб кетди дарбадар.

Кўзим ёшларидан куйди майсалар,
Митти вужудларин айрилиқ эгди.
Мажнунтол қаддини эгди баттарроқ,
Узун кокиллари ерларга тегди.

Чорладим, қошимга келмадинг аммо,
Келар йўлларингга термулдим, ёндим.
Тун билан бош олиб кетдим заминдан.
Туғилдим тонг билан, қайта уйғондим.

Руҳимда қуёшнинг нурларин туйдим,
...Ғунча қўйлаклари ечилди қат-қат.
Тонглар умид бўлиб келарсан ахир,
Тун бўлиб бағримни тилган муҳаббат!!!

Ҳанифа ШАМСИЕВА.
Кумушкон қишлоғи.

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги «Юнусобод» теннис мажмуида Ўзбекистон Президенти Кубоги учун бўлиб ўтаётган халқаро мусобақа ўз якунига яқинлашгани сари тобора қизғин тус олмоқда. Маълумки, якшанба куни ушбу беллашувнинг ғолиби ва совриндорлари аниқланади.

Ўтган кунларда бўлиб ўтган учрашувларнинг натижаларига тўхталишдан олдин шуни айтиш керакки, «Президент Кубоги» турнири нафақат таниқли теннисчилар, балки мамлакатимизда тобора оммалашиб бораётган ишқибозларнинг, турнирнинг боришини ёритаётган журналистлар, хорижлик меҳмонлар ва болакайларнинг ҳам байрамига айланиб кетди. Асосий мусобақалардан ташқари ўтаётган бундай тадбирлар унга ўзгача руҳ бермоқда.

Энди бевосита асосий беллашувларга келсак, унда кучлиларнинг кучлилари сараланиб бормоқда. Кеча бўлиб ўтган чорак финал ўйинларида франциялик Седрик Пьолин, Николае Эскуде, россиялик Евгений Кафельников, Марат Сафин, германиялик Крстен Браш, италиялик Стефано Песко Солидо ва мусобақанинг ўтган йилги ғолиби Тим Хенмен кортга чиқдилар. Бундай кучли теннисчилар ўртасида бўлиб ўтган муросасиз беллашувлар, улар ҳар бирининг ғолиблик учун астойдил ҳаракат қилаётганликлари ушбу турнирнинг нуфузи қанчалик ошиб бораётганлигини кўрсатади, албатта. Афсуски мусобақанинг иккинчи куни ўзбекистонлик теннисчилар учун омадсиз келди. Уларнинг ҳар учаласи — Олег Огородов, Вадим Куценко, Темур Ғаниев рақибларга ютқазиб ўйинни тўхтатишга мажбур бўлдилар. Нима ҳам дердик. Спортнинг қонуни битта. Фақат кучлиларгагина омад кулиб боқади.



Турнирда яккама-якка курашлардан ташқари жуфтлик ўйинлари ҳам қизғин воқеаларга бой бўлмоқда. Жуфтлик мусобақаларида ҳам бугун финалчилар аниқланди.

Шундай қилиб эртага — 20 сентябрь куни кортда финалчилар ўзаро куч синашадилар. Ким ғолиб чиқишидан қатъий назар ўз поёнига етаётган навбатдаги теннис байрами эса пойтахтликлар ва меҳмонларнинг қалбида узоқ вақт сақланиб қолса ажаб эмас.

Ўз мухбиримиз.

ҲУЖУМ ҚИЛГАН ЮТАВЕРАДИ

«НАВБАҲОР» жамоаси ўйинчиларининг миллий терма жамоасига жалб қилиниши муносабати билан 18-турдаги «Дўстлик» билан учрашуви кечиктирилган эди. Куни-кеча Наманган марказий ўйингоҳида ана шу жамоаларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Ўйин 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди.

Ўзбекистон Республикаси 7-миллий чемпионати олий табақа жамоалари учрашувларида «Пахтакор» — «Бухоро» жамоалари ўртасидаги 16-турда ўтказиладиган ўйин Ўзбекистон Миллий терма жамоасининг Таиландга сафари муносабати билан кечиктирилган эди.

Куни-кеча шу ўйин Тошкентда ўтказилди. Бу йилги чемпионатни кўтаринки руҳда ўтказиб, кетма-кет йирик ҳисобда ғалаба қозонаётган пахтакорчилар бу учрашувда ҳам йирик ҳисобда ғалабага эришдилар. Ўйин бошиданоқ майдон эгалари фаол ҳаракат қилиб, тўла устунликка эга бўлдилар. Учрашувнинг биринчи дақиқасидаёқ Андрей Стрельцов меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни очди. Моҳир ҳужумчи Миржалол Қосимов 29-дақиқада узоқ масофадан дарвозани аниқ нишонга олиб, ҳисобни 2:0 га ўзгартирди. Пахтакорчилар ҳужумни бўшаштирмай яна кетма-кет рақиб дарвозасига хавф солишда давом этдилар. Натижада Игорь Шквирин 2 маротаба тўпни дарвозага тушириб, ўз жамоасини 4:0 ҳисобида олдинга олиб чиқди. Учрашувнинг 2-бўлимида тўпурарлар баҳсида карвонбошилик қилаётган Миржалол Қосимов ўзининг ўйиндаги 2-тўпини киритиб, ҳисобни 5:0 га ўзгартирди. Унинг бу йилги чемпионатда рақиблар дарвозасига киритган тўплари сони 16 тага етди. Шундан сўнг меҳмонлар фаол ҳаракат қилдилар ва икки маротаба «Пахтакор» дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Тўпларни Генадий Шарипов ва Вячеслав Колодалар киритдилар. Қизиқарли ўтган учрашув 5:2 ҳисобида пешқадамнинг йирик ғалабаси билан тугади. Улар тўплаган очколар сонини 48 тага етказиб, «Нефтчи» жамоасидан 5 очкога ўзиб кетдилар. «Нефтчи» ҳисобида 43 очко, «Навбаҳор» да эса 40 очко бор.

Навбатдаги учрашувда пешқадам вилоятимиз вакили «Дўстлик» жамоаси билан «Нефтчи» эса армиячилар билан беллашади.

21-турдан олдин «Пахтакор» жамоаси Осиё Кубок эгалари Кубогининг жавоб ўйинини Тожикистоннинг «Хўжанд» жамоаси билан ўтказди. Бу учрашув кеча «Пахтакор» ўйингоҳида бўлди.

«Нефтчи» жамоасининг Осиё чемпионлари Кубоги баҳсларида қатнашиш ё қатнашмаслиги Осиё футбол конфедерациясининг ноябрь ойидаги йиғилишида ҳал бўлади.

Чемпионат тўпурарлар баҳсида «Пахтакор»чи Миржалол Қосимовдан сўнг «Сурхон» жамоасининг ҳужумчиси Равшан Дўрмонов 12, «Пахтакор»чи Азамат Абдураимов, «Нефтчи» ўйинчиси Сергей Лебедев ва «Сўғдиёна» жамоасининг ўйинчиси Алексей Ждановлар 11тадан тўп киритишган.

Талъат ЮСУПОВ.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 19-23 сентябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик кутилмайди. Секундига 7 метр тезликда шамол эсиб туради. Кечалари 9-14, кундуз кунлари 24-29 даража атрофида иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 5-уй-жойдан фойдаланиш корхонасининг йўқолган думалоқ муҳри **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «S-FAR» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 29-97-14 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти Юқоричириқ туманидаги «Гулистон» корпорацияси тугатилиши муносабати билан кредиторларнинг қарз даъволари эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида 8(298) 31-201 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги масъулияти чекланган «АРИРАН-ТРАНЗИТ» жамияти **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 55-62-56 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

«ТОШКЕНТВИЛОЯТСАВДО»
ҳиссадорлик компанияси
чегараланмаган миқдорда, катта турдаги экологик тоза, табиий, бир литрлик тетропакетларда мева **шарбатларини** таклиф этади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 77-уй. Тел.: 55-82-30, 55-53-38



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0316. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.777 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6